

БУҒДОЙ СЕЛЕКЦИЯСИДА ҚУРҒОҚЧИЛИККА ЧИДАМЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ҚарМIII “Қишлоқ хўжалик
маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки
ишлаш технологияси” кафедраси
ассистенти Азимова М.

УЎТ: 633.11

Аннотация

Проверенные опыты показывают что оценки засухоустойчивости жаростойкости у озимых пшеницы необходимо обратит внимание на массу 1000 зерен и на длину последнего междоузлия. Если масса 1000 зерен резко не снимается и длина верхнего междоузлия бывает длинными то таких сортов можно отнести к засухоустойчивым и жаростойким.

Планетамизда глобал исиш жараёни таъсирида (ёғингарчиликнинг пасайиши, сув танқислиги, ҳарорат кўтарилиши, интенсив трансперация, тупрокдаги сув буғланиши жараёнининг тезлашиши) иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли навларни яратиш зарур. Шу билан биргаликда Республикамизда, жумладан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бошоқли дон экинларининг бошоқлаш-пишиш даврида гармселга чидамли навларни ва бошланғич манбаларини яратиш бугунги кун селекциясининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Республикамзнинг жанубий ҳудудларида об-ҳавонинг мунтаззам ўзгариб туриши, баъзи декончилик йилларида табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллакорлар иродасини синовдан ўтказмоқда. Ана шундай иқлим шароитларида ҳам ғалла еттиштириш, ғалладан мўл ҳосил олиш, униб чиққан ғалла ҳосилини талофатларсиз вояга етқазиш ва керакли ҳосил олишга тайёрлаш ғаллакорларимизга улкан масъулият юклаб келмоқда. Бу борада энг аввало ҳудуд иқлим шароитига мос уруғ навларини танлаш, уларни деҳқонларимизга етқазиб бериш соҳа изланувчилари масъулиятини оширмоқда.

Бунга даврнинг ўзи ҳам имкониятлар яратиб бермоқда. Бугун мамлақтимиз ғалла мутақиллигини кўлга киритган бўлса, бу борада энг аввало меҳнаткаш халқимизнинг заҳмати инобатга олинса, сўнг бу борада олимларимиз яратаётган янги-янги навларнинг ҳиссаси эътироф этилади.

Келгусида табиатнинг ноқулай омиллари (иссиқлик, қурғоқчилик, гармсел ва бошқалар) таъсирида ҳам бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида ИКАРДА халқаро ташкилотининг коллекция намуналаридан 31 та янги линиялари олиб келиниб, Қашқадарё вилояти шароитида уларнинг белги ва хусусиятлари ўрганилди. Бунда янги линияларни ўрганишда андоза нав сифатида дунёнинг қурғоқчил минтақаларида экилиб келинаётган Gerek, Mufitbey, Karahan-99, Sonmez 01 ва Республикамизда районлаштирилган Яксарт навлари танлаб олинди. Қарши тумани тажриба даласида икки қайтариқда ҳамда баҳор мавсумида бир маротаба суғориш орқали тажриба ишлари олиб борилди. (1-жадвал).

1-жадвал

№	Номи	Ҳосилдор- лик, ц/га	1000 та дон вазни, гр	Охирги бўғин узунлиги, см	Дон натураси, гр/л	Оқсил миқдори, %	Клейкавина миқдори, %
1	Gerek	34,9	29,8	38	772	14,6	29,8
2	Mufitbey	31,0	33,7	27	785	13,3	28,1
3	Karahan-99	31,6	32,7	37	797	13,3	26,4
4	Sonmez01	43,7	33,6	31	790	13,5	28,6
5	Yaksart	37,1	32,2	28	766	12,8	24,5
6	16-IWWYT-SA-6	36,1	35,4	29	783	12,5	25,6
7	16-IWWYT-SA-7	44,1	33,9	33	782	12,7	30,4
8	16-IWWYT-SA-9	50,3	38,1	28	784	12,1	23,3
9	16-IWWYT-SA-10	47,9	34,7	28	790	12,5	27,5
10	16-IWWYT-SA-12	49,8	33,0	27	790	12,2	21,8
11	16-IWWYT-SA-13	51,7	37,6	29	827	12,4	22,8
12	16-IWWYT-SA-14	46,5	33,1	29	777	11,2	21,6
13	16-IWWYT-SA-15	49,6	33,7	29	792	12,8	20,3
14	16-IWWYT-SA-16	48,9	29,4	30	781	12,8	21,6
15	16-IWWYT-SA-17	49,7	37,7	39	795	14,5	23,8
16	16-IWWYT-SA-18	46,6	30,5	24	807	13,5	22,6
17	16-IWWYT-SA-20	45,2	34,6	33	809	11,9	25,4
18	16-IWWYT-SA-21	43,4	38,2	32	796	12,9	22,5
19	16-IWWYT-SA-23	47,9	31,3	39	784	13,2	30,7
20	16-IWWYT-SA-24	49,8	32,9	35	792	12,3	29,9
21	16-IWWYT-SA-28	45,3	37,3	34	773	12,7	27,6
22	16-IWWYT-SA-29	33,5	33,4	34	803	14,9	30,2
23	16-IWWYT-SA-30	40,1	31,2	33	779	13,5	29,6
24	16-IWWYT-SA-35	34,5	33,8	36	783	13,9	23,5
25	16-IWWYT-SA-36	34,1	29,5	38	768	14,0	29,4

Нав ва намуналарнинг кўпчиллигида тупроқ қурғоқчилиликка таъсирчанлиги найчалаш ва бошоқлаш даврида кўпроқ кузатилади. Ҳаво қурғоқчиллиги эса ўсимликларга гуллаш ва дон тўлиш даврида айниқса катта зарар етказади. Шу даврнинг бошланишигача кучли илдиз отган навлар қурғоқчиликка чидамли бўлиб қолади. Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги улардаги физиологик жараёнларнинг нормал кечиши билан характерланади. Тажрибада ўрганилган намуналарнинг ҳосилдорлиги 31 ц/га дан 51,7 ц/га чани ташкил этди. Энг юқори ҳосилдорликни 16-IWWYT-SA-13 намунаси 51,7 ц/га, 16-IWWYT-SA-9 намунаси 50,3 ц/га, мос равишда охириги бўғин оралиғининг узунлиги 32-33 смни ташкил этди.

Қурғоқчиликка чидамлилиكنинг асосий мезони сифатида унинг юқори ҳосил бериши, ҳамда бошоқдаги дон сони кўп бўлиши ва дон йирик, тўлишганлиги билан баҳолаш мумкин.

Ўсимликнинг қурғоқчиликка чидамлилигини ўзгариб туришини ва ҳосил элементлари билан боғлиқлигини билиш асосида физиологик қурғоқчиликка чидамлик жараёнларни ўрганиш юмшоқ буғдой намуналаридан қурғоқчиликка чидамли бўлган намуналарни танлаш имкониятини яратади.

Қурғоқчил шароитда буғдой ўсимлигининг сув режими аста-секин бузилиб боради. Одатда қурғоқчилик ўсимликни нобуд бўлишига олиб келмайди; моддалар алмашинуви бузилади, натижада бошоқлар сони, бошоқдаги дон сони ва 1000 дона дон вазни камаёди. Ўрганилган намуналарда энг юқори ҳосил берган 16-IWWYT-SA-13 ва 16-IWWYT-SA-9 намуналарида 1000 дона дон вазни ҳам юқори 37,6-38,1 гр ни ташкил этди. Доннинг технологик сифат кўрсаткичлари бўйича 16-IWWYT-SA-29 намунасида ҳосилдорлик 33,5 ц/га бўлсада дон таркибидаги оқсил миқдори 14,9 %, клейковина миқдори эса 30,2 % эканлиги аниқланди. Бундай навлар келгусида доннинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навлар яратишда селекцияда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, қурғоқчил шароитларда юмшоқ буғдойдан мунтазам равишда юқори ҳосил олиш мақсадида яратиладиган янги навларни танлашда 1000 та дон вазнига ва охириги бўғин оралиғининг узунлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Умиров Н.Ж., Хайитбоев А.Х., Нурбеков А.И. Юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекция намуналаридан бошланғич материаллар. //Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конф. Т. 2004.

2. М.Умарова, “Ўзбекистонни суғориладиган ерларида юмшоқ ва қаттиқ буғдой селекцияси учун бошланғич манба яратиш” мавзусидаги номзодлик диссертацияси, Т. 2008.

“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали №10.2015 32-бетлар